

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
25 октябрь
сешанба
№ 130 (4726)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Куннинг муҳим хабари

Мактабгача таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларига!

Хоразм вилояти

ХУСУСИЙ БОҒЧАГА ҲАМШИРА КЕРАК ЭМАСМИ?



«Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддаси «Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлиғини сақлаш» ҳақида бўлиб, унга кўра, ташкилотларга бир қатор вазифалар юклатилган. Жумладан, соғломлаштириш тадбирларини, соғлом овқатланишни ташкил этиш, жисмоний фаоллик учун шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар кўрсатилган.



Вазирлар Маққамасининг 2019 йил 13 майдаги «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Умумий турдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида»нинг 24-моддасида мактабгача таълим ташкилоти давлат талабларига мувофиқ болаларни тарбиялаши, уқитиши, уларга қараб туриши, уларни парваришлаш ва соғломлаштиришни таъминлаши белгиланган.

Ушбу вазифаларни бажаришда педагог-тарбиячилар билан бир қаторда тиббиёт ходимининг иштироки ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис давлат мактабгача таълим ташкилотларида ҳамшира штати жорий қилинган. Аммо ҳозирда нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг аксариятида тиббиёт ходимлари фао-

лият кўрсатмайди. Бунга нодавлат мактабгача таълим ташкилоти мутасаддилари иқтисодий ҳолатини рўқач қилиши мумкин. Ваҳоланки, давлат статистика қўмитасининг 2021 йил якуни бўйича берган маълумотларига кўра, республикамизда жами МТЛлар сони 7 868 та бўлиб, уларга 1321,4 минг нафар бола қамраб олинган. Шундан 1549 таси нодавлат МТЛлар бўлиб, уларда тарбияланаётган болалар сони 115,1 минг нафарни ташкил қилган. Мутасаддилар «Биз хусусий секторга аралашолмаймиз, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимояланган» дейишга шошилмасликларини истардик. Зеро, миллат болаларининг саломатлиги тадбиркор манфаатидан устун туради. Агар нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг иқтисодий шароити ҳамшира лавозимини жорий қилишга имкон бермаса, оилавий поликлиникаларда ёки туман мактабгача таълим бўлимларида боғча ҳамшираси лавозимларини жорий қилган ҳолда, уларга ҳудуддаги бир неча мактабгача таълим ташкилотларини бириктириш мумкин.

Зеро, жаҳоннинг нуфузли иқтисодчилари энг фойдали сармоя инсон капиталига сарфланган сармоя, дейдилар. Болалар саломатлигини асраш эса инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бирidir.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Сурдарё вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

Сарвиноз энди сарсон бўлмайди

Сурдарё тумани тиббиёт бирлашмаси ходимаси Сарвиноз Худойбердиева Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг «Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 ишонч телефони»га кўнғирок қилди. Мурожаатида у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганини таъкидлаб, ишга тикланишда амалий ёрдам сўради.



Маълум бўлишича, меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 4-бандига асосан, яъни ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузгани сабабли бекор қилинган. Бироқ беш шифокор меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда Меҳнат

кодексининг 237-моддаси 1-қисми талабини инобатга олманган. Унга кўра, ҳомиладор ҳамда уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай туга-

тилаётган ҳолларда эса меҳнат шартномаси бундай тоифадаги аёлларни, албатта, ишга жойлаштириш шарт билан бекор қилиниши мумкин. Ҳозирда С.Худойбердиеванинг қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанд бор. Энг кичик фарзанди уч ёшга ҳам тўлмаган.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»

Чўпга айланган

Бир факт шарҳи

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида 6,2 миллион дона экилган кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилган. Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган лойиҳа бўйича бажарилаётган ишларга оид мажлисда маълум қилинган. Энди фактларнинг энг ачинарли томонини айтишимиз: 3,4 миллион дона кўчат сўғориш тизими бўлмаган жойларга экилган. Оқибатда 2,4 миллион дона кўчат сувсизлик ва етарли парвариш бўлмагани сабабли баҳор тугамасдан қуриб қолган. 341 минг дона кўчат эса ярқоч эрларга экилган. Яъни бу юмушни бажариш чоғида ернинг табиий иқлим хусусиятлари инобатга олинмаган. Гапнинг дангалини айтсак, бу «Яшил макон» учун эмас, балки «Хўжа кўрсин» учун бўлаётган ишлар. «Яшил макон» – яхши ташаббус ва ҳамон у ўзининг долзарблигини йўқотмайди. Кечяги ҳафтада гувоҳ бўлганимиз, Тошкентнинг «чанкент»га айлангани ҳам, бир жиҳатдан, даракларнинг каммайиб кетганида эмасми? Афсуски, фақат «хўжа кўр-

Миллионга кўчат


Бунинг товонини ким тўлайди?

син»га қилинаётган бу ишлар халқнинг ҳафсаласини сўндирмоқда. Бир кўз олдингизга келтиринг-а: 2,4 миллион дона кўчат шунчаки тўғри келган ерга суқиб кетилгани учун қуриб қолган! Қанчадан-қанча обод бўладиган, кўчат экиладиган жойлар эса чиқинди-хона бўлиб ётибди. Умуман, кўчат экишдан олдин унинг лойиҳаси тайёрланиб, масъуллар бириктирилиб, сўнг амалга оширилмайди бу ишлар? Яна савол туғилади: шунча кўчатнинг баҳоси қанча бўлади? Бунга кимдир ҳисоб берадимми? Иккинчи савол эса шундай: бунинг товонини ким тўлайди? Зарар яна халқнинг бўйнига тушадими? Нега бу ишлар палапартиш, ўлда-жўлда, кампаниябозлик билан бўляпти? Бу кўзбўямачиликларга кимдир қачон жавоб берадимми? Ҳўломжон МИРАҲМЕДОВ «ISHONCH»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА УҚИНГ...



МЕН «ISHONCH»НИ ЯХШИ КўРАМАН




БАХТНИНГ СУВРАТИ



МЕТАН МАЪҚУЛМИ, ПРОПАН?

Кун нафаси


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг уринбосари, саноат ва савдо вазирлиги, қўшма Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



24 октябрь куни давлатимиз раҳбари куз-қиш мавсумида аҳоли, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.



27 октябрь куни давлатимиз раҳбари «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» саммитида иштирок этиш учун Қозғоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрига ташриф буюради.



Жорий йил 20 октябрда «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон ҳамда Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим тасдиқланди.




«Надавлат секторда профессионал таълимни ривожлантириш шарт-шароитлар яратилиши ҳамда педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан ҳукумат айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилинди.



Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов Чиноз туманидаги «Эшонобод» маҳалласида сайёр қабул ўтказиб, фуқароларнинг мурожаатларини тинглади.



Энергетика вазирлигида General Electric компаниясининг Россия ва МДҲ бўйича президенти Бела Ференс билан музокаралар ўтказилди.




Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида DP World компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Ўзбекистонда илк бор жорий йилнинг 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) Парламентлараро ассамблеясининг сессияси бўлиб ўтади.



Жорий йил 24 ноябрдан 2023 йилнинг 6 мартга қадар Париждаги Лувр музейида «Ўзбекистон воҳалари хазиналари. Карвон йўллари чорраҳасида» кўргазмаси бўлиб ўтади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Фарғона вилояти

Фарғона шаҳрида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан тасарруфдаги бошланғич касба уюшма ташкилотлари, иш берувчилар ва касба уюшма фаоллари, шунингдек, соҳада кўп йиллар самарали меҳнат қилиб бугунги кунда пенсияда бўлган меҳнат фахрийлари, соҳа фидойилари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ш.Деҳқонов, Фарғона вилояти ҳоқими ўринбосари, Туризм ва маданият мерос бош бошқармаси бошлиғи Х.Аҳмедов, вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Н.Ҳақимов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари О.Қозихонова, вилоят маданият бошқармаси бўлим бошлиғи



Ф.Умаровлар иштирок этишди. Фаоллари томонидан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига оид масалалар бўйича тўлланган саволларга бош-

Давра суҳбати

Фаоллар билан учрашув

қарма ва идоралар мутасаддиларининг жавоблари олиниб, уларни тўлақонли ҳал этиш мақсадида ижтимоий шерикликни кучайтириш масаласига урғу берилди. Тармоқ келишувидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаби асосида зарур тадбирлар билан бойитиш, бу орқали ходимларга қўлай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида касба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида амалга оширилаётган тизимли ишлар, бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари давра суҳбати иштирокчилари томонидан қизғин муҳокама этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Баҳром КУВАТОВ, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши мутахассиси



Тошкент шаҳри

Тадбир



БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Ўзбек тили байрами муносабати билан Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфдаги барча ташкилотлар иштирокида «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» деб номланган давра суҳбатлари ва тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистон Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Она тилим – фаҳрим» флешмоби уюштирди. Унда «Тил – бу миллий қадрият», «Тил – бебаҳо неъмат» ва «Тил – миллат тимсоли» мавзуларида суҳбатлар бўлиб ўтди.

Бундай тадбирлар Сирғали тиббиёт коллежиди, Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида, Санатор-курортлар бошқармаси ва барча бошланғич ташкилотларда ҳам ташкил этилди.

Гулноза ТОШПҲАТОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси



Самарқанд вилояти



ОНА ТИЛИМ, БЎЛ ОМОН!

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганининг 33 йиллиги Самарқанд вилоятида ҳам кенг нишонланди.

Пайриқ туманидаги 24-умумтаълим мактабида тармоқ касба уюшмаси туман кенгаши томонидан ташкил этилган тантанали тадбир ўқитувчи-мураббийлар, ҳудуд ёшлари она тилимиз имкониятлари хусусида атрофликлар фикрлашди. Тадбирда шоир ва журналист Абдумурот Исमतов ўз ижодий намуналаридан ўқиб берди. Туманда ўзбек тили ривожини унун жон куйдириб, ёшларга сабоқ бераётган ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг бир гуруҳи касба уюшмалари томонидан тақдирланди. Шунингдек, Нарпай тумани 13-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам касба уюшмалари ташаббуси билан ўтказилган тадбирда тилимиз жонқуярлари жамоат ташкилотининг эсдалик совғалари топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



Жиззах вилояти

Таълим

Замон билан ҳамнафас

Зомин туманида аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат очилди.

36 нафар ўқувчи ўрнига эга таълим даргоҳи энг сўнгги замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Хусусан, электрон доска ва энг замонавий ахборот коммуникация технологиялари дарс ва машғулотлар савиясини янада оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, синф хоналарида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш имконияти бор. Дарслар давлат талаб ва режаси асосида ўқитилиши учун дарслик ва методик қўлланмалар, тарқатма материаллар билан тўлиқ таъминланган. Мухтасар айтганда, аниқ ва табиий фанларни ўргатиш учун барча шарт-шароит мужассам.

қарашли мазкур илм масканига ўқувчилар уч босқичли тест синовлари асосида қабул қилинди. Уларга 30 нафардан ортиқ олий тоифали ўқитувчи дарс ўтмоқда.

Хорижий тилларни пухта ўрганиш бугунги куннинг долзарб масаласи. Шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда мактаб-интернатда чет тилини ўрганишга алоҳида эътибор қатарилмоқда.

Мактаб-интернатда, шунингдек, ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун тўғрақарлар, маънавий-маданий тадбирлар ва китобхонликка даъват этадиган учрашувлар ташкиллаштирилиб келинмоқда.

Хайрулла ҚЎШМОНОВ, Зомин тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси



Хоразм вилояти

Оддий ҳақиқат шундан иборатки, муносиб меҳнат учун муносиб шароит ва рағбат зарур. Бунини мен касбақўм етакчиси сифатида турли тадбирлар уюштириш жараёнида, спорт мусобақаларини ўтказиш асносида чуқурроқ англадим.

Таълим даргоҳимиз ўтган ўқув йилида қайта таъмирланди. Мактабимизда барча жиҳозларга эга иккита катта спорт зали борлиги ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам катта имконият яратмоқда. Мусобақаларга тайёргарлик жараёнида, қизғин кечаётган бахслар давомида иштирокчилар ўзгача ғайрат-шижоатга эга бўладилар. Бу шижоат уларни кўп вақtgача тарк этмайди. Бу руҳият меҳнат фаолияти давомида ҳам ўз самарасини кўрсатади – муваффақиятларга



Сирдарё вилояти

Ўқув

Гулистон Давлат Университетида табиий ва техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2022 йилга мўлжалланган тадбирлар режасига мувофиқ, шунингдек, «Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш кунини» муносабати билан ўқув машғулотини ўтказилди.

Фуқаро муҳофазаси бўйича амалий машғулот ўтказилди



Унда профессор-ўқитувчи, ишчи-ҳодим ва талабалар иштирокида зилзила, гидрометеорологик ҳодисалар, ёнгинлар, исгазидан ёки овқатдан захарланиш каби фавқуллода вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича билим ва кўникмалар мустақамланди, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмалари шайлиги ўрганилди. Махсус тактик ўқув машғулотлари 2 босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда муассаса фан ўқитувчилари томонидан «Зилзила вақтида ҳаракат», «Ёнгин вақтида

ҳаракат», «Табиий тусдаги фавқуллода вазиятларга психологик тайёрлаш», «Жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш услулари», «Табиий ва исгазидан захарланиш сабаблари ва унинг оқибатлари» каби мавзуларда талабалар билан кўргазмалари очик дарслар ўтказилди. Иккинчи босқичда «Диққат, барчага!» хабари орқали университет тузилмалари, яъни хабар бериш, қутқарув, ёнгинни ўчириш, жамоат тартибини сақлаш ва санитар-дружина гуруҳлари томонидан фавқуллода вазият ҳудудидан хавфсиз

майдонга эвакуация қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу тадбирда жаҳрланганларга ёрдам кўрсатилиб, қутқарув ишлари олиб борилди, юзага келган ёнгинлар бартараф этилиб, санитар-дружина гуруҳи ва талабалардан ташкил топган кўнгилли қутқарувчилар томонидан соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфдаги тиббиёт биноларида ходимлари билан биргаликда жаҳрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Ўтказилган «Фуқаро муҳофазаси кунини» тадбири давомида табиий ва техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлар содир бўлганда талабаларнинг тўғри ҳаракат қилишга оид тушунча, билим ҳамда кўникмалари шакллантирилиб, «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» фанидан олган билимлари мустақамланди.

Комил НАЗАРОВ, Гулистон давлат университети бошланғич касба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари

Махфий ҳужжатлар очиқланмоқда

Анжуман

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида жорий йилнинг 9 ой давомида «Ўзархив» агентлиги томонидан амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда агентлик директори Улўбек Юсупов тизимда қўлга киритилаётган ютуқлар ва келгуси режалар хусусида сўз юритди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 сентябрдаги 501-сонли тегишли қарорига кўра, архив соҳасига айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, архивда ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида

жисмоний ва юридик шахсларга энгилликлар яратиш бўйича бир қатор янги вазифалар белгиланди. Жумладан, эндиликда талабгорлар ҳужжатлардан фойдаланиш учун рухсатни кунлаб кутишмайди. Шунингдек, архив ҳужжатларини ёки кўчирма нусхаларини республикадан ташқарига вақтинча олиб чиқиш учун рухсатномани расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказиш орқали рухсатнома бериш соддалаштирилади. Шунинг баробарида махфий ҳужжатлардан фойдаланишга босқичма-босқич рухсат берилди. Бундай ёндашув олим ва тадқиқотчилар изланишлар олиб боришларида жуда қўл келади.

Ташкилотнинг келгусидаги долзарб вазифаларидан бири тизимни тўлиқ рақамлаштиришга ўтказишдир. Бу йўналишда агентлик томонидан муайян ишлар қилин-

моқда. Хусусан, давлат архивларида 144 091 сақлов бирлигида қоғоз асосидаги, 11 564 051 кадр, 288 сақлов бирлигида кино, 17 558 ҳисоб бирлигида фото, 366 сақлов бирлигида овозли ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилди. Тизим ишини янада такомиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик муносабатлари ҳам йўлга қўйилган. АҚШнинг Холокост ёдгорлик музейи, Польшанинг Миллий хотира институти ҳамда Беларусь Республикаси Адлия вазирлиги Архив ва иш юритиш департаменти ўртасида архив иши ва иш юритиш соҳасида меморандумлар имзоланган.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»

МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТЛАР

ундайди. Ҳамкасбларимиз туман, вилоят миқёсида бирон ютуққа эришса, ҳаммамиз суюнаимиз. Жумладан, Нурали Сафарбоев каратэ бўйича вилоят мусобақасида 2-ўринни, Чарос Самандарова республикада 1-ўринни, Сарвиноз Ҳасанова, Зафар Оллоберганов стол теннисини бўйича, Лайло Кўпалова энгил атлетика бўйича туманда 1-ўринни эгаллашди.

ютуқларимиз бардавомлигини таъминламоқда, – дейди мактабимиз раҳбари Саодатжон Каримова. – Замонавий мактаблар қаторида тилга олинаётганимиз биз учун катта шараф. Бу йил 15 нафар битирувчимиз олий ўқув юрти талабаси бўлди. Истаймизки, ҳар бир ўқувчимиз ҳаётда ўз ўрнига эга бўлсин.

Саида СЕТИМОВА, Хонқа туманидаги 35-умумий таълим мактаби бошланғич касба ташкилоти раиси



**БУ САРЛАВҲА
КИМГАДИР ЖУДА
СИЙҚА БЎЛИБ ТУ-
ЮЛАЁТГАНИНИ
СЕЗИБ ТУРИБ-
МАН. АХИР, У
КЎПРОҚ ШОИР-
ЛАРГА НИСБАТАН
ИШЛАТИЛАДИГАН
ИФОДА ЭДИ-КУ,
ДЕБ ЎЙЛАЁТGAN-
ЛАР БОРЛИГИНИ
ҲАМ ЯХШИ БИЛА-
МАН. ЛЕКИН...**



Яхшилар ёди

ОЛИМНИНГ ОЛАМИ

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Воҳид Абдуллаев ҳақида сўз юритилаётгани учун мақолага бундан кўра мосроқ сарлавҳа топа олмадим.

Бу олим хусусида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да негадир жуда қисқа ва чала маълумотлар берилган.

Воҳид Абдуллаев 1912 йил 15 майда Самарқанд шаҳрида туғилиб, 1985 йил 30 июлда 73 ёшида шу ерда вафот этган. У Фаргона педагогика институтини (ҳозирги ФарДУни) битиргач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти аспирантурасида тахсил олган. Бухоро ва Самарқанд педагогика институтлари ҳамда Самарқанд давлат университети (СамДУ)нинг «Ўзбек адабиёти» кафедраларида ишлаган, узоқ вақт уларга мудирлик қилган. 1963 – 1970-йилларда СамДУ ректори бўлиб ишлаган. 1941 йили «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолияти» мавзусида номзодлик, 1959 йили «ХVII – ХVIII асрларда Хоразмда Ўзбек адабиёти» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Бир йилдан сўнг профессор илмий унвонини олган. Ҳам бу даврдан эътиборан Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йили эса ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. 1973 йили Ўзбекистон фан арбоби мақомига эришган.

Воҳид Абдуллаев 18 ёшидан эътиборан шеър ва илмий мақолалар ёза бошлаган. Унинг «Самарқанд сайли», «Бедор қўшиқлар» шеърый тўпламлари чиққан. «Навоий Самарқандда», «Нишотий ва унинг «Хусни дил» достони», «Хоксор ва унинг «Мунтахаб ул-луғот» китоби», «Нишотий ва Хоксор», «Сайланма», икки жилдлик «Танланган асарлар»и ва бошқа китоблари нашр этилган.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида бир неча буюк воқеа юз бери.

Биринчиси – олий таълим муассасалари талабалари учун энг қадимги замонлардан XX аср бошларига бўлган даврни қамраб олган учта китобдан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги яратилди. Натан Маллаев унинг XVII асргача бўлган даврни қамраб олган биринчи китобини ёзди. Воҳид Абдуллаев XVII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр ёритилган иккинчи китобни тайёрлади. Учинчи китоб Ғулом Каримов қаламига мансуб бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача бўлган давр адабиётини ўрганишга бағишланган.

Иккинчиси – 5 жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи» жамоа тадқиқоти нашр қилинди.

Учинчиси – 2 жилдлик «Адабиёт назарияси» жамоа тадқиқоти чоп этилди.

Дастлабки икки тарихий нашрнинг юзага келиши беvosита академик Воҳид Абдуллаев номи ва фаолияти билан боғлиқ. Тилга олинган дарсликнинг унинг қаламига мансуб иккинчи китобида ўзбек адабиётининг 270 йиллик тарихи ёритилган. Мактаблар учун «Ўзбек адабиёти» ўқув дастури (1991, 2006)ни, «Ўзбек адабиёти» мажмуаси (10-синф, 1993, 1995, 1997) ни, «Одобнома» (4-синф, 2009) ва «Адабиёт» (8-синф, 2006, 2010, 2014, 2019) дарсликларини тузишда иштирок этган мутахассис сифатида айтаманки, дарслик ёзиш – айтишгагина осон иш.

Воҳид Абдуллаев ўша дарсликни тайёрлаган шароит билан ҳозирги илмий ижод шароитини ёнма-ён қўйиб ҳам бўлмайди. У замонларда камида уч жиҳатдан аҳвол жуда оғир эди.

Биринчиси – мумтоз шоир ва ёзувчилар асарларининг ҳақиқатини ҳам чоп этилмаган, кўпроқ қўлёзма ва тошбоша китоблардан фойдаланишга тўғри келарди. Бунинг учун адабиётшунос кутубхона ва қўлёзмалар хазиналарида ишлашга, факсимиле ва фотонусхалардан фойдаланишга мажбур бўларди.

Иккинчиси – бу қалам соҳиблари ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳозирги даражада диссертациялар ёзилиб, ёқланмаган, ушбу соҳа тамоман бир очилмаган кўрик янглиғ эди.

Учинчиси – шунча илмий матн рўқча билан битилар, машинақалнардан, ундан кейин қўлда оломосу резинкага елим билан қўлёзма матнга қиёсан ўқиб чиқиб, хатолари тузатиладди. Камина ана шу 5 жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи» жамоа тадқиқоти тайёрланган Ўзбекистон



АРХИВ

Фанлар академиясининг ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Ўзбекистон фан арбоби, профессор Абдуқодир Ҳайитметов мудирлигидаги ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганадиган бўлимида 1976 – 1980-йилларда ишлаганман. Ҳар бир жилд машинкада 750 бетдан 1000 бетгача эди. Ана шу 5 жилдни бошдан-охир муаллиф ёзган қўлёзмага қиёсан ўқиб, хатоларини тузатиб, машинкаланган матнни нашриёт учун тайёрлашда беvosита иштирок этганман. Шу баҳонада ўзбек адабиёти тарихининг бошидан кириб, охиридан чиқишга ҳам тўғри келган, албатта.

Воҳид Абдуллаев дарслиги XVII асрнинг бошидан XIX асрнинг 70-йиллари, яъни рус босқинига қадар бўлган 270 йиллик, «Ўзбек адабиёти тарихи» жамоа тадқиқоти 3-жилди эса XVI аср бошидан XVIII асрнинг 70-йилларигача бўлган 270 йиллик даврни қамраб олади. Ҳар қилда ҳам, бу икки китобда шундан 170 йил, яъни XVII аср тўлиқ, XVIII асрнинг эса дастлабки 70 йили айнан бир даврни ташкил этади. Шунинг учун дарсликда ҳам, 3-жилда ҳам, жумладан, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Пахлавонкули Равнақ, Муҳаммаднинг Нишотий, Хувайдо каби шоирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилган.

Воҳид Абдуллаевнинг докторлик диссертациясида ҳам айнан XVII – XVIII асрлардаги Хоразм ўзбек адабиёти таҳлил қилинган.

Бу нимадан далолат беради? Бу олимнинг ўз олами борлигини, ўз тадқиқот майдони, шугулланган даври, илмда муайян йўналиши мавжудлигини кўрсатади. Айнан шунинг учун ҳам Фанлар академиясининг тадқиқот институти 3-жилднинг масъул муҳаррирлигини ҳам, амалда бу китобни тайёрлаш масъулиятини ҳам Воҳид Абдуллаев раҳнамолигида Самарқанд давлат университети адабиётшунослари зиммасига юклаган. 3-жилд, бошқа жилдлардан фарқли равишда, Фанлар академиясининг ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Самарқанд давлат университети грифи билан чиққан. Жилдга Воҳид Абдуллаев масъул муҳаррирлик қилган. Китобнинг Воҳид Абдуллаев ёзган қисмларини профессор Ботирхон Валихўжаев таҳрирдан ўтказган. Энг муҳими, китобнинг асосий қисмини СамДУ профессор ва доцентлари ёзишган.

Воҳид Абдуллаев «XVII – XVIII асрларда ўзбек адабиёти» бўйича «Тарихий шароит ва маданий ҳаёт», «Тазкиранавислик», «Бадийи адабиёт» обзор бошларини, шунингдек, Раҳмонкул Орзибеков, Қобилжон Тоҳировлар ҳамкорлигида «Халқ китоблари» бўлимини, Раҳмонкул Орзибеков билан бирга «Хувайдо» бобини қозғога туширган.

Ботир Валихўжаев китобнинг XVI аср ўзбек адабиётига бағишланган 1-қисмидаги «XVI асрда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди» бўлимларини ёзган.

Қобилжон Тоҳиров, юқорида саналган ҳамкорликдаги бобдан ташқари, «Нурмуҳаммад Андалиб», «Абулғози» бобларини битган, шунингдек, шу 3-жилдни нашрга тайёрлаган.

Китобни яратишда Бухоро давлат университети доцентлари ҳам иштирок этишган. «Пахлавонкули Равнақ» боби – Ойтўра Расулова, «Роқим» боби – Мунира Қосимова қаламига мансуб. Бу икки олима ҳам Воҳид Абдуллаевнинг илмий раҳбарлигида Самарқандда диссертация ёқлаган.

3-жилдда Фанлар академиясининг олимларидан Хомил Ёқубов («Турди Фароғий» боби), Абдурашид Абдуғафуров («Бобораҳим Машраб» боби) ва Марғуба Мирзааҳмедова («Хожа» боби) иштирок этган, холос. «Муҳаммад Солих» ва «Мажлисий» боблари ҳозирги Фарғона давлат университети доцентлари ҳам иштирок этишган.

БУ ТАҲЛИЛЛАРДАН АКАДЕМИК ВОҲИД АБДУЛЛАЕВ ЎЗИ-ДАН ҲАР ҚАНДАЙ ОЛИМ ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИГАН ИЛМИЙ МЕРОС ҚОЛДИРГАНИ АЁНЛАШАДИ. БИРИНЧИДАН, ТАДҚИҚОТЧИНИНГ ЎЗ ҚИЗИҚИШ ДОИРАСИ БОР ЭДИ. ИККИНЧИДАН, АТРОФИГА САЛОҲИЯТЛИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИ ТЎПЛАР, ШОГИРДЛАРИГА ҲАМ ИМКОН ҚАДАР ШУ ЙўНАЛИШ БЎЙИЧА МАВЗУЛАР ТАВСИЯ ЭТАРДИ. УЧИНЧИДАН, НИСБАТАН КАМ ЎРГАНИЛГАН ДАВРНИ, АДАБИЁТ ТАРИХИНИНГ ҚОРОНГИ НУҚТАЛАРИНИ ЁРТИШГА ҚАТТИҚ БЕЛ БОҒЛАГАНДИ.

дарслик ва 5 жилдлик жамоа тадқиқотида адабиётга ўша давр ҳукмрон мафқурасидан келиб чиқиб ёндашилганини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин, очигини айтганда, ўзбек мумтоз адабиёти бўйича ҳали олий таълим муассасалари талабалари учун бундай тизимли дарсликлар ҳам, бундай тизимли илмий-тадқиқот тарихи ҳам яратилгани йўқ. Бу эса уларнинг ўз даврида қандай катта иш сифатида юзага келганини тўлиқроқ тасаввур қилишимизни осонлаштиради.

Бу икки нашр ўзбек халқ китобларининг ҳам ўзбек ёзма адабиёти, ҳам фольклорнинг қорилиши, яъни синкретик маҳсули сифатида таҳлил этилгани билан ўта аҳамиятлидир. Айрим тадқиқотлар яратилгани билан, бизда ҳали-ҳануз халқ китоблари тўлиқ, ҳар тарафлама ўрганилмаган.

Бу таҳлиллардан академик Воҳид Абдуллаев ўзидан ҳар қандай олим ҳавас қилса арзийдиган илмий мерос қолдиргани аёнлашади. Биринчидан, тадқиқотчининг ўз қизиқиш доираси бор эди. Иккинчидан, атрофига салоҳиятли тадқиқотчиларни тўплар, шоғирдларига ҳам имкон қадар шу йўналиш бўйича мавзулар тавсия этади. Учинчидан, нисбатан кам ўрганилган даврни, адабиёт тарихининг қоронғи нуқталарини ёрртишга қаттиқ бел боғлаганди.

Имкониятдан фойдаланиб, икки оғиз устоз ҳақидаги хотиралардан ҳам сўзласам. Мен ана шу 3-жилднинг институтида тайёрланган ва машинақаланган вариантини кўтариб, Самарқандга борганман. Масъул муҳаррир таҳрирдан кейин уни олиб кетиш учун яна Самарқандга хизмат сафарига жўнаштиган. Ҳар кунни домланинг ижодий кунлари экан. Бир талаба қанорлигига уйга бордим.

Устоз қарийб неваралари тенги каминани иззат-икром билан кутиб олдилар. Ҳовли ўртасида бир шинам ҳовузи, дарахт остида шахло кўз бир қийик боғланганини кўрдим. Узун меҳмонхонага кирдик. Ўртага теннис столича келадиган жуда катта стол қўйилган. Усти китоблар, ҳар хил қозғолару газеталар тахталари билан тўлган. Бир чеккасида дастурхон ёзишга озгина жой бор, холос. Чинакам олимнинг «устахона»си ҳамиша шундай бўлади ўзи. Меҳмонхона билан ошхона ўртасида овқат узатишга мўлжалланган туйнук бор экан. Ҳам ердан ул-бул нарсалар узатилиб турди. Уларни олиш учун ўрнимдан қўзғалдим. Устоз асло унамадилар. Ҳар гал ўзлари туриб, олиб келиб, дастурхонга қўйдилар. Хижолатдан ер ёрилмади, мен кирмадим.

– Аввало, сиз – меҳмон, биз – мезбон, қолаверса, сиз – бухороий шарифликсиз, – деганлар ўшанда Воҳид Абдуллаев.

Институтига тез-тез келиб турардилар. Кўпинча эрталаб поездан тушиб, тўғри Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўлимига кириб келардилар. Салом-аликдан сўнг хонадагиларга иккитадан ёнғоқ берардилар. Ҳар гал чўнтақлари тўла ёнғоқ бўларди. Кўпинча:

– Энди, укалар, биргаликда нонушта қиламиз, – деб, бизни Фанлар академиясининг раёсатининг ошхонасига чорлардилар. Очиги, мезбонлар меҳмонга эмас, аксинча, меҳмон мезбонларга хизмат кўрсатарди.

Домла ҳар гал олма шарбати ичидаги мевасини санчи билан олиб, истеъмол қилар эдилар.

– Буни қолдириш исрофга қиради, – дердилар.

У киши ҳақида шу биланларим асосида ёш-лигимда: «Муомала маданиятини, камтарлигу тавозени Воҳид Абдуллаевдан ўрганиш керак», – деб ўйлардим. Чунки ўша авлод олимларининг юксак маданиятига камтарлиги биз учун чинакам ўрнак эди. Ҳозир умрида биров қойил қолиб ўқийдиган иккита мақола ёзганим-йўқим, Худо билади-ў, ўзини осмон тутадиган айрим ҳамкасбларни кўрсам, очиги: «Булар Воҳид Абдуллаевларни кўрмаган-да», – деган фикрга бораман.

Илм – тадрижий жараён. Ифодали қилиб айтилса, фаннинг муайян соҳаси олимлари ҳамкорлиқда бир бутун иморат қуради. Эсадан чиқармайликки, бу иморатнинг биз турган қавати остида яна неча-неча қават бор. Шу маънода фанимизнинг Воҳид Абдуллаев каби биздан олдинги заҳматкашлари ҳаёти ва ижодини ўрганиш фақат уларни хотирлаш, хизматларини қайт этиш, меросини маънан қадрлаш учунгина эмас, балки фанимизни бундан кейин ҳам ривожлантириш учун сув билан ҳаводек зарур!

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Мавзу

Миллатни миллат ўлароқ таниш, тарихи, маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш, кадриятларини тўла-тўқис идрок этиш учун, энг аввало, унинг тилини мукаммал билиш керак. Чунки тил миллатнинг ўлмас руҳи, асл қиёфасини ёқоғида этувчи бетакрор тимсол, ўзлиги ва яшовчанлигининг ҳаққоний ифодасидир. Шубҳасиз, ҳар бир миллатнинг кадр-қиммати, ҳурмат-эътибори ўз она тилига муносабатиде ёрқин намоеён бўлади. Тил юрт, халқ ва миллатнинг шаъни, ғурури, орияту ҳамияти кўзгусидир.



ҒУРУР, ОРИЯТ

ВА ҲАМИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбек тилининг маънавий ўлдизлари узоқ ўтмишга, аниқроғи, инсоният тамаддунининг илк даврларига бориб туташибди. Буюк ўзбек мутафаккири ва шоири Алишер Навоий тилшуносликка бағишланган «Муҳокамат ул-луғатайн» асариде туркий тилининг пайдо бўлиш тарихини Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфас номи билан боғлайди: «Ёфасники, таворихи аҳли (тарихчилар – М.А) Абу-турк битирлар». Замонавий ўзбек шеъриятининг забардаст вакиллари-дан бири она тилига бағишланган «Абу-турк нафаси, туркий тилининг гўзаллиги ва тотли ифодаси Ўрхун-Энасой битиктошларидеги ёзувларда ҳам намоеён бўлади. XI асрда улғў элшунос ва тилшунос Маҳмуд Қошғари «Девони луғотит турк» асариде тилимизнинг жозибасини, тасвир кувватини халқ мақоллари, маталлар, қўшиқ ва адабий парчалар орқали очиб берган. Тарихдан маълумки, туркий тил, хусусан, ўзбек тили биринчи марта XII асрда элхонийлар давлатида расмий тил сифатида қадрланган. 1485 йилда Ҳусайн Бойқор салтанатида расман давлат тили ўлароқ муомалада бўлган. Тарих чархпалаги асрлар оша айланиб, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу Ҳақ ва Адолат тантанаси, ҳурлик ва эркинликнинг ибтидоси эди.

Тил – ажодлар ёди, ота-боболар ўғити, оналар алласи. Тил тафаккур қалити, ижод ва илҳом булоғи, маърифату ирфон манбаидир. Тарихнинг оғир синовларидан омон келган метин иродали она халқимиз бу ҳақиқатларни билади, теран аналлади ва мушоҳада қилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистоннинг замонавий демократик қиёфаси ҳам миллий-маданий кадриятлар билан мукаммал ва барқарор бўлмоғи мўқаррар. Она тилимизга ҳурмат ва садоқат ҳисси эса ана шу кадриятларнинг энг гўзал намунасидир. Зеро Исҳоқхон Ибраг таъкидлаганидек, «ўз тилига садоқат – ватаний иш», улғў масълият ва бурчдир. Шу маънода, Янги Ўзбекистонда ўзбек тилига эътибор ва ҳурмат ҳар қачонгидан кўра бир неча поғона юксалди, десак сира хато бўлмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда, бу борада миллий ҳамада халқаро даражада кўнлаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда». Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш департаменти» ташкил этилгани, 21 октябргинг Ўзбек тили байрами қуни деб эълон

қилингани юқоридаги фикрларнинг яққол исботидир. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади. Мазкур фармонга мувофиқ, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди, унда давлат тилини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқ қилиб белгилаб берилди. Айни пайтда давлат тилининг содғлигини сақлаш, таълим даргоҳларида она тилининг ўқитишга шайқатини юксалтириш ва ўзбек тилининг ички имкониятларини юзага чиқарувчи луғатлар яратиш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда ўзбек тилининг маънавий қадр-қимматини улғўлаш борасида амалга оширилган ишларнинг умумий қизғилларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

– ўзбек тилининг мавқеи давлат ва ҳукумат даражасидаги фармонлар билан белгиланиб, янада мустаҳкамланди;

– ўзбек тилини ривожлантиришнинг муҳим тамойиллари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалий ҳаётга татбиқ этилмоқда;

– ҳар йили 21 октябр – Ўзбек тили байрами қуни сифатида кенг нишонланмоқдаки, бу ёш авлоднинг улғў ажодларимиз руҳига ҳурмат, ватанга садоқат, эртанги кунга ишонч руҳида тарбиялаш, халқимиз қалбида фахр-ифтиҳор туйғуларини янада жонлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда;

– «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Ўзбек тилининг синоним луғати», «Ўзбек тилининг имло луғати», «Навоий тили луғати» ва бошқа ўзбек тили ички имкониятларини юзага чиқарувчи луғатлар яратилди ва бу борадаги ишлар жадал давом этмоқда;

– ўзбек тили илмий тил, интернет тили сифатида ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда.

Тўғри, она тилимизга бўлган муносабатимиз, жумладан, таълим даргоҳларида унинг ўқитилишини янада чуқурлаштириш, айниқас, имло савадонлиги, нуқт маданияти, ўзбек тилининг содғлиги масаласида ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар мавжудки, булардан сира кўз юмиб бўлмайди. Шунингдек, ёшлар орасида чет тилларни ўрганишга бўлган иштиёқ, саъй-ҳаракатлар ҳар қачонгидан-да устулик қилаётган бу-гунги шиддатли замонда она тилимизнинг шаънини ҳимоя қилиш, қадрини улғўлаш ҳам муқаддас бурчимиздир.

Мақсуд АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти
бўлим бошлиғи, филология
фанлари доктори

25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни

Садоқатни шиор билиб...

Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида кенг қўламли илоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, иқтисодиётни кучайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, тинчлик ва осойишталик ҳамда қонунийликни таъминлашга қаратилган янгиланишлар тўғрисида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тобора ўстувор аҳамият касб этаётир.

Табиийки, мазкур ўзгаришлар жараёнида ички ишлар органлари ходимлари ҳам фаол қатнашаётдилар. Масалга Жиззах вилояти мисолида ёндашадиган бўлсак, куйидагиларни эътироф этиш мумкин: жорий йилнинг ўтган даврида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ўтган йилнинг шу даврига мос равишда қотиллик жинояти 30,8, номусга тегиш 53,3, бошқинчилик 66,7, талончилик 25,0, ўғрилик 10,8, безорилик 21,7, оғир тан жароҳати етказиш 16,7, енгил тан жароҳати 47,1 фоизга камайган бўлиб, жиноятларнинг фош этиш даражаси эса 98,3 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, тезкор қидирув тадбирлари натижасида 130 нафар қидирувдаги шахслар қўлга олиниб, 12 нафар бедарак йўқолган фуқаролар топилган.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, мавжуд 302 та маҳалланинг 156 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади ҳамда 37 та маҳаллада

эса жиноят қамайдди. Бунга Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда қонунлар ижросини тўлақонли таъминлаш ҳамда илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали эришилди, албатта. Чунончи, илғор ахборот ва алоқа технологияларини жорий этиш, жиноятчиликка қарши курашишга йўналтирилган тадбирларни самарали ташкил қилиш, «Хавфсиз ҳовли», «Хавфсиз ҳудуд» таъминоти асосида маҳалла фаоллари билан узвий ҳамкорликни таъминлаш бирламчи вазифаларга айланди.

Ҳар бир маҳалланинг ўз профилактика инспектори бўлиши чоралари кўрилди. Чунончи, кейинги йилларда вилоятда профилактика инспекторларининг сони 51 фоизга, яъни 203 нафардан 307 нафарга ошди. Криминоген вазият ва аҳоли зичлигидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджет ҳисобидан 41 та профилактика инспектори штати жорий этилди.

Айниқса, тураржойларни хонадонбай ўрганиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга оид му-



Файрат ҚОДИРОВ, Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор

рожаатлари бўйича тезкор чоралар кўриш фаолиятимиз натижадорлигини таъминламоқда. Бошқармада «102» автоматлаштирилган маълумотлар тизимининг юзага келтирилиши ўлароқ жорий йилнинг ўтган вақтида 114 та жиноятлар зудлик билан фош этилиб, 375 та ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олди олинди. Умуман олганда, ҳисобот даврида «102» тизимига 10 минг 976 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 7 минг 106 таси қонунбузарликлар ҳақидаги хабарлардир.

Кузатув қурилмалари ўрнатиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ички ишлар органларида вазиятлар марказлари ташкил этилган бўлиб, уларга 830 донга замонавий видеокузатув камералари уланган ва 148 та объект ҳамда ҳудудлар узлуксиз назорат қилинмоқда. Ушбу меъморлик ички ишлар бўлимлари навбатчилик қисмларига интеграция қилинди.

Яна бир маълумот: вилоятда жами 13 минг 250 донга кузатув камералари мавжуд. Ички ишлар органларига қарашли махсус муассасаларда фойдаланилаётган автоуловларнинг

барчаси GPS ва видеокузатув қурилмалари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, йўл-патруль ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари ходимлари 187 та бодикамера ҳамда ҳуқуқбузарликларни қайд этувчи 152 та планшет билан таъминланди.

Ички ишлар органлари ходимларига муносиб хизмат шариоитлари яратиш борасида ҳам эътирофга молик ишлар қилинаётир. Чунончи, кейинги йилларда Ғаллаорол, Дўстлик, Пахтакор туманлари ички ишлар бўлимлари, вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси, вилоят ИИБ тиббиёт бўлими каби бир қатор иншоотлар капитал таъмирдан чиқарилди. Бу йил Зомин тумани ИИБ ЙХХБ биноси ҳамда Жиззах вилояти ИИБ тарихи музейи бунёд этилди. Тез кунларда вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий биноси қуриб битказилади.

Тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган бу каби тадбирларга мос тарзда ходимларнинг интеллектуал, жисмоний ва жанговар салоҳиятларини кучайтириш, хизмат интизоми ва қонуний-

ликни мустаҳкамлашга астойдил киришилган. Чунончи, Шароф Рашидов туманида жойлашган ҳарбий қисмда шахсий таркибнинг бошқича-бошқич таълим олиши йўлга қўйилди. Бу ерда уларга ҳуқуқий билимлар берилиб, жанговар ва саф тайёргарлиги машқлари ўтказилапти. Худди шундай, тактик, ўқ отиш, қўл жанги машғулотлари белгиланган режалар асосида уюштирилмоқда.

Ҳар бир ички ишлар органлари биносида «Ватанпарварлик бурчаклари» ҳамда кутубхоналар юзага келтирилган. Мунтазам ташкил этилаётган маънавият ва маърифат дарслари, эрталабки йўриқномалар ҳамда илм аҳли билан учрашувларда шахсий таркибнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш чоралари кўриляпти. Шу билан бирга кўрик-танлов, мусобақа ва беллашувлар ўтказилиб, илғорлар рағбатлантирилмоқда. Ходимларнинг уй шариоитларини ўрганиш, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашish асосида хизмат натижадорлигига таъсир килувчи салбий омиллар бартараф қилинаётир.

Соҳа вакиллари секторларда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва турмуш маданиятини ошириш борасида ҳам фаоллик кўрсатишяпти. Мухтасар айтганда, Президентимизнинг «Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз» деган сўзлари бугун ҳар бир ички ишлар органлари ходимининг ҳаётий шиориға айланган.



ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

Халқимиз осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган мамлакатимиз, шу жумладан, Самарқанд вилояти ички ишлар ходимларини 25 – ОКТАБРЬ ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ КУНИ БИЛАН самимий муборакбод этади!

Орамиздаги одамлар

Халққа беминнат хизмат қилишни одат тусига кiritган, серғайрат Ҳалим Маҳмудовни кўпчилик яхши билади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфиди Санатор-курортлар бошқармасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган бу инсоннинг ҳузуридан ҳеч ким ранжиган ҳолда чиқиб кетган эмас.



Ҳалоллик йўли...

Хамма билан дилдан суҳбатлашар ва албатта ишини ижобий ҳал этишга шошарди. Бу кишининг катта фазилатларидан бири эди. Ушунда энди «Ishonch» газетасига бош муҳаррир бўлиб келгандим. Эскидан таниш эдик. Бир жойда ишлаб танишлигимиз дўстликка айланди. Келинонимиз, кейин 1968 йилда таваллуд топган кенжа ўғил Санжаржоннинг ўлими Ҳалим акага оғир ботди. Оқсоқол бу зарбаларга чидади, қалби йиғласа ҳам, ҳаётдан нолимади, сабр кундалик ҳамроҳига айланди. Дўстлари Баҳром Тошбеков, Абдукарим Усмонхўжаев, Турсун Рашидов, Раҳим Ражабов, Саиджалол Баҳромов, Анвар Юсупов, Тоҳиржон Боситхонов, Шухрат Жабборов дардларига шерик бўлди. Икки ўғли Шавкатжон билан Раҳимжон эса қўшқанотиға айланди. Қадрдонлар давра қилиб, йиғи-

либ турардик. Ҳалим аканинг ўзини тутиши, дўстларга бирдай меҳр билан қараш ибрат олгулик эди. Дўстлар фақат яхши кунлардагина эмас, мана шундай оғир дамларда ҳам ёнингда бўлиши дардингни анча камайтиради, яшашга бўлган иштиёқингни оширад экан, дейди. Ҳалим аканинг яхши одатлари кўп. Дилбар, адолатли, ҳақгўй, тили ширин бу инсон билан бир марта суҳбатлашган борки, қаршисидан кетгиси келмай қолади. Улуғларимизнинг одам покиза туғилади, покизалигича қолиши керак, деган пурмаъно фикрлари бор. Бу гап бугун 88 ёшни қаршилаётган, фарзандлари, неварою чеваралари ардоғида умргузаронлик қилиб келаётган Ҳалим ака учун айtilгандек. Ҳа, бу инсон покиза туғилди, ҳалол ишлади, ҳалол яшамоқда... Тўлқин МУҲИДДИН

ЭЪЛОН
Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, Гатауллин (Фахрийлар) кўчаси, 41-уй учун Гатауллина Раиса Шайхисламовна номига берилган уйнинг кадастр ҳужжати йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

- «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:
- Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
 - Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
 - Анвар АБДУМУХТОРОВ,
 - Сайфулло АҲМЕДОВ,
 - Акмал САИДОВ,
 - Равшан БЕДИЛОВ,
 - Қутлимурто СОбИРОВ,
 - Сухроб РАФИҚОВ,
 - Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
 - Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
 - Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
 - Анвар ҚУЛМУРОДОВ
- (Боли муҳарририни биринчи ўринбосари)
- Меҳристон ШУКУРОВ (Масъуль котиб – «Ishonch»),
 - Валентина МАРЦЕНЯК (Масъуль котиб – «Ishonch-Доверие»)

- Бош муҳаррир**
Хусан ЭРМАТОВ
- Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳаббатлар билан ишлар – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

- www.ishonch.uz**
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.
- Ҳудудлардаги муҳбирлар:**
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов

Мусакхиллар:
Д. Худойберганаева, Д.Равшанова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **00:50**
Тошпирилди – **01:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Бунюрта **Г-1006** **31342** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТІР: 201133889,
ОКЭД: 58130